

авдиторйада еситтиреди. Бул изертлеулерде бир қатар сабаклиқларға бидирилген өткит критикалиқ син пикирлери де орн алған болadı.

Алтунши кóринис: Бул кóринисте тáжирйе синaw майданındaғи анализленп атрган сабаклиққа бес баһасин қойған методистлердін пикирлери тунлаһади. Ҳағни сабаклиқ бойнша бидирилген кемшилликлер бойнша олардін пикирлери ўйренiledi. Басқаша сўз бенен айтқанда сабаклиқ бойнша бидирилген кемшилликлер дурис па? ямаса дурис емес пе? - деген соравлар берiledi.

Јетинши кóринис: Сабаклиқ бойнша ўшинши кóринис сиғақли експеримент қайтадан өткерiledi. Эксперименттин јуумақларина қарағанда сабаклиққа бес баһасин қойған методистлердін 90-95%и ендигиден билай сабаклиққа қойған баһаси бес емес балки тóрт баһасина тóсетуғинлиғн кóремиз.

Segizinshi кóринис: Бул кóринисте авдиторйада сабак алип барған лектордін сабаклиқ бойнша пикирлери ҳам авдиторйада алип барған експериментлердін нáтијјелери, анализлери менен јуумақланadı. Бул тийкарда алип барлған áмелият нáтијјесинде, баслауиш класс сабаклиқларини билмленидиу јáмááтиндеғи орн ағириқша áһмийетке ије болadı. Бул алынған нáтијјелер тийкаринда сегиз кóринистен íбарат тáжирйе синaw майданındaғи алип барлған бундай тóрдеғи сабак тóмөндеғи нáтијјелерди беретуғинлиғи аниқланди.

-Биринши: Методист муғаллимлердін сáбқлиқ бойнша еркин пикирлеу кóнликпелерини бир ағим болса да алға қарай илгерилеуине тийкар салadı.

-Екиншиден: олардін сабаклиқ бойнша син берiw кóнликпелери јетилеседи.

-Ўшиншден: Кúнделикли пайдаланп отрган сабаклиқлар бойнша рецензија јазiw кóнликпелери јúзеге келеди.

-Тóртиншиден: Сабаклиқ бойнша ушурасқан кемшилликлерди оринларда сапластип барiw мóмкиншилликлери тувилadı.

-Бесиншден: Халқ билмленидиу таравındaғи јаһа áуладтағи сабаклиқларди јетилестиуиу ҳам олардін rawajланiwи ушин óз ўлесин қосiw мóмкиншилликлери де јúзеге келеди.

Јоқардағи бес позичија бойнша алынған нáтијјелер тийкаринда тóмөндеғи усинсларди атап óтуге болadı.

1. Оқiwшлар јáмááтини тунлауиш емес, балки сáбақу шóлкөмлестиуиш сипатнда қатнасиуларди тийис. олар сáбақу шóлкөмлестиуиде бастан ағағи деуин қатнасиуи зáрур екенлигин умитпауиуиу кerek.

2. Муғаллим сáбақу óтiw процесинде, кóринслерди óзгертип барiw јумисларина мóмкиншиллиги барнша ерисиулери тийис. Áлбетте бир кóринистен екнши кóриниске óтер wақитларндағи алип барп атрган ис-илалар оқiwшлардін сезбей қалиу јағдайларина да тáмиуинлеп барiw зáрур.

Бул оринда сáбақу алип барiw барсында муғаллимлерден ўлкен педагогикалиқ тáжирйелерди талап етилетуғинлиғи сóзсиз.

3. Баслауиш билмленидиуидеғи óтилген сабаклиқларди тóрт кóринистен шóлкөмлестиуиу, мақсетке муwapiқ болп есапланadı.

-Биринши ўйге тапсирмаларди сорaw ҳам бул тапсирмаларди орнлаған оқiwшларға илайлиқ баһаларин қойiw:

- екнши таза темани óтiw:

-Ўшинши таза темани беккөмлөуде дидактикани пайдаланп óтiw:

-Тóртиншиси óз бетинше јумисларди шóлкөмлестиуиу. Бул кóринислердін бáршеси 40-45 минут ишинде áмелге асирлиуи тийис. Јоқардағи кóрсетилген ўш усинс баслауиш билмленидиу сабаклиқларин оқитиуда óзини унамли нáтијјелерин береди.

Адебиатлар

1. Айымбетов М.К., Тајбенова. С. Баслауиш билмленидиу сабаклиқларин јетилестиуиу мәселелери.// Óзр Іаққб «Хабаршиси» јурнали. -Нóкис: 2004, N34, 150-152- б.

2. Айымбетов М.К. О современных методах обучения в системе народного образования. Тенденции и инновации современной науки.

<http://pedagog.uz/>
<http://edu.uz/>

Бoshlang'ich та'лимда она тили фани о'қитивчисининг асосий вазифаси о'қувчиларни то'ғ'ри гапирishга ва чиroyли yozishга о'ргатishдан ibорат. Бунда асосий vosita darslik hisoblanadi. Unutmazlik kerakki, tavsiya qilinayotgan texnologiyani o'rganish murakkab jarayon. Maqolada boshlang'ich davr darsliklarining xususiyatlari tahlil qilingan.

Основная обязанность учителей родного языка на начальном этапе обучения - это научить правильно говорить и грамотно писать. Главным материалом является учебник. Следует не забывать, что привыкание и изучение предложенной новой технологии сложный и трудный процесс. В статье рассматриваются особенности учебников на начальном этапе обучения.

The main duty of the teacher of the native language at the elementary level of teaching is to teach students to speak and spell correctly. The main means of teaching is a textbook. The author of the article studies the peculiarities of textbooks at the elementary level. We shouldn't forget that using suggested new technology is the complex and difficult process.

ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Р.Г.Исаянов - ўқитувчи

Д.М.Мамамов - ўқитувчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: касбий компетентлик, умумтехник тайёргарлик, технологик тайёргарлик, ахборотнинг репрезентативлиги.

Ключевые слова: профессиональная компетентность, общетехническая готовность, техническая готовность, репрезентативность информации.

Key words: vocational competency, basic readiness, technical readiness, representativeness of information.

Касб таълими ўқитувчисининг махсус тайёргарлигида энг муҳими уларнинг технологик билимларга эга бўлишидир. Касб таълими ўқитувчиси фаолиятининг асосий функциялари қуйидагилар: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, (меҳнат, технологик маданият, ақлий, жисмоний, ахлокий, экологик, ҳуқукий, эстетик, маънавий), таххис қилувчи, бошқарувчи, назорат қилувчи, муҳандислик, тадбиркорлик, конструктор-технологик, ташқилотчилик, ихтирочилик-рационализаторлик ва бошқалар. Булардан келиб чиққан ҳолда касб таълими ўқитувчисига қуйидаги талаблар шаклланган бўлиши зарур:

1. Касбнинг шахсга бўлган талаблари: билим, кўника, тажриба, психологик-педагогик қобилият (хоҳиш, истак); педагогик маҳорат, педагогик компетентлик ва ўзини тутиш; касб таълими методикасини ҳамда тарбия ишларни ташқил этиш ва методикасини билиши; таълим натижаларини баҳолашни илмий жиҳатдан билиш ва бошқалар.

2. Ўқитувчининг шахсий сифатлари: инсонпарварлик, болани севиш, касбий-педагогик йўналганлик, ижтимоий эҳтиёжлар, ахлокий ва умуминсоний-миллий қадриятлар, маъсулият ва жамоавий бурч, ташқилотчилик қобилиятлари ва бошқалар.

3. Ўқитувчидан талаб этиладиган билимлар: гуманитар, ижтимоий-иқтисодий, психологик-педагогик, умумтехник, махсус.

Шундай қилиб, бўлажак касб таълими ўқитувчисининг технологик тайёргарлигига талаба томонидан ихтисослашув доирасида чуқурлашган, технологик билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштирилишининг натижаси деб қараш мумкин. Ўқитувчи фаолиятининг натижаси – талабаларнинг эгаллаган билим даражасида кўринади. Булар: техник ва технологик билимлари, энг оддий махсулотни тайёрлаш бўйича фаолияти натижалари, касбий мослашувчанлик, технологик операцияларни бажариш бўйича кўника ва малакалар, мустақил ишни ташқил этиш ва бошқаларда намоён бўлади. Ахборотдан фойдаланиш имконияти ва самарадорлиги унинг репрезентативлиги, мазмундорлиги, етарлилиги, ақтуаллиги, ўз вақтидалиги, аниқлиги, ишонарлилиги, барқарорлиги каби асосий истеъмол сифат кўрсаткичлари билан боғлиқдир.

1. Ахборотнинг репрезентативлиги - объект хусусиятини адекват ифода этиш мақсадларида уни тўғри танлаш ва шакллантириш билан боғлиқдир.

2. Ахборотнинг мазмундорлиги - мазмуний ҳажмини ифода этади.

3. Ахборотнинг етарлилиги (тўлаллиги) - қарор қабул қилиш учун минимал, лекин етарли таркибга (кўрсаткичлар жамламасига) эга эканлигини билдиради. Тўғри қарор қабул қилиш учун тўлиқ бўлмаган, шунингдек, ортиқча бўлган ахборот ҳам фойдаланувчининг қабул қилган қарорлари самарадорлигини камайтиради.

4. Ахборотнинг актуаллиги - ахборотдан фойдаланиш вақтида уни бошқариш учун қимматлиги сақланиб қолиши билан белгиланади ва унинг хусусиятлари ўзгариши динамикаси ҳамда ушбу ахборот пайдо бўлган вақтдан буён ўтган вақт оралиғига боғлиқ бўлади.

5. Ахборотнинг ўз вақтидалиги - унинг аввалдан белгилаб қўйилган вазифани ҳал этиш вақти билан келишилган вақтдан кечикмасдан олинганлигини билдиради.

6. Ахборотнинг аниқлиги - олинаётган ахборотнинг объект, жараён, ҳодиса ва ҳоказоларнинг реал ҳолатига яқинлиги даражаси билан белгиланади.

7. Ахборотнинг ишонарлиги - ахборотнинг реал мавжуд объектларни зарур аниқлик билан ифода этиш хусусияти билан белгиланади.

8. Ахборотнинг барқарорлиги - ахборотнинг асос қилиб олинган маълумотлар аниқлигини бузмасдан ўзгаришларга таъсир қилишга қодирлигини акс эттиради.

Ахборотга ишлов бериш технологиялари бугунги кунда ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган. Информатиканинг асосий ресурси - ахборотдир. Азалдан ахборот деганда, атроф - муҳит объектлари ва ҳодисалари, уларнинг ўлчамлари, хусусиятлари ва ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар тушунилади. Кенг маънода ахборот - инсонлар ўртасида маълумотлар айирбошлаш, одамлар ва сунъий қурилмалар ўртасида сигналлар айирбошлашнинг ифода этадиган умуммиллий тушунчадир.

Мутахассислик фанларида ахборот технологияларидан фойдаланиш нафақат ўқув самарадорлигини оширади, балки ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларининг ошишига ҳам имконият яратади; ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва ижодкорлик фаолиятининг ошишига ёрдам беради.

Электрон дарсликларни биринчи навбатда ўқув мақсадларининг юқори босқичларида мураккаб ўқув ахборотини очиб бериш учун ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва қўллаш керак. Уларни қўллашнинг мақсадга мувофиқ соҳалари эса касб таълими йўналишидаги ўқув юртлири махсус фанларининг асосий масалалари ҳисобланади.

Электрон дарсликларга талаблар объектив жиҳатдан маълум бир тизимдан иборат ва унинг структураси ўзининг иерархиясига, тўғри ва тесқари алоқа каналларига эга. Унинг тузилмасининг элементлари ўзига хос хусусиятларга, маълум бир мустақилликка эга бўлиб, бу уларнинг яхлит компонентлари (дидактик, методик, техник) кўринишда тизимга бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқ эканлигини белгилайди.

Электрон дарсликлар ёрдамида касб таълими талабаларининг касбий фанлардан тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг асосий шарти, касб таълими тизимининг ўқув-тарбия жараёнига дидактик тавсифлари такомиллаштирилган ва педагогик имкониятлари яхшилланган электрон дарсликларни кенг қўллаш ҳисобланади.

Электрон дарсликларининг асосий қўлланилиш соҳалари махсус ўқув босқичларининг турли хил машғулоти бўлиб, моделлаштиришнинг асосий (бош) предмети эса талабалар томонидан ўзлаштириш учун қийин бўлган ўрганиш объектлари ҳисобланади. Мураккаб ўқув маълумотининг ҳажми катта бўлиб ўқув вақтининг реал бюджети кам бўлган ҳолатда электрон дарсликларини қўллаш мақсадга мувофиқлигининг муҳим кўрсаткичи деб ҳисоблаш мумкин [1].

Машғулотларни компьютер технологиялари воситасида ташкил этиш, электрон дарсликларни яратиш замон талабига айланмоқда. Электрон дарсликлар ахборотни турли кўринишларда - матн, жадвал, графика, овоз, анимация, видеотасвир, мусика ёрдамида йиғиш ва сақлаш вазифаларини бажаради. Электрон дарслик «инсон-компьютер» интерфаол мулоқотининг янги такомиллашган поғонаси бўлиб, бунда фойдаланувчи кенг ва ҳар томонлама ахборот олади, ўқув тарбия жараёни фаоллаштирилади, таълим самарадорлиги ошади, мавзунинг узоқ вақт хотирада сақланишини таъминлайди, мустақил таълим олиш имконияти кўпаяди, талабанинг компьютер саводхонлиги ошиб боради.

Ўқитувчининг ўзи компьютер орқали талабанинг фаолиятини алоҳида кузатиб боради. Демак, электрон дарслик компьютер воситасида ўқув курсини ёки унинг бирор катта бўлимини ўқитувчи ёрдамида ёки мустақил ўзлаштириш таъминловчи дастурий методик комплекс бўлиб ҳисобланади.

Таълим муассасасининг электрон ахборот таълим муҳитини яратиш соф техник масала бўлиб қолмасдан, балки бунинг учун муассасанинг илмий-методик, ташкилий ва педагогик имкониятларини тизимли ёндашув асосида ишга солиш талаб этилади [2].

Фикримизга кўра, «электрон ахборот-таълим муҳити» тушунчасини аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини таъминловчи дастурий, ахборот-техник, ўқув-методик тизимлар мажмуидир, деб таърифлаш мумкин. Электрон ахборот-таълим муҳити қуйидаги типологик белгиларга кўра тавсифланади:

1. Ҳар қандай даражадаги электрон ахборот-таълим муҳити тизимлилик табиатига эга мураккаб тузилмали объект бўлиб ҳисобланади.

2. Электрон ахборот-таълим муҳитининг яхлитлиги тизимлиликка эришиш тушунчаси билан бир маънони, уларнинг уйғунлигини англатиб, ўқув муассасаси битирувчисининг шахсий ва касбий моделини амалга оширишдаги таълим-тарбия мақсадларини ўзида мужассамлаштиради.

3. Электрон ахборот-таълим муҳити таълим ва тарбия ишларининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омил бўлиши билан бирга унинг воситаси ҳамдир [4].

Шу билан бир қаторда, ахборот-таълим муҳитини таърифлашда бир қанча ўзаро фарқ қилувчи қарашлар мавжуд, жумладан:

- шахс билан таълим муҳитининг субъект сифатида узвий боғланган ахборот, техник, ўқув-методик таъминотнинг ташкиллаштирилган мажмуаси;

- электрон ахборот ташувчилар, виртуал кулбхоналар, тақсимланган маълумот базалари, ўқув-методик мажмуаларини мужассамлаштирувчи компьютер, ахборот ва коммуникация технологиялари интеграцияси асосида қурилган ягона ахборот таълим муҳити [3].

Ахборот таълим муҳитини яратишда ва уни бошқаришда тизимли ёндашувни жорий қилиш талаб этилади. Ушбу ёндашувнинг дастлабки босқичида замонавий таълим мазмунига мос равишда таълим муассасаси ахборот-таълим муҳити мақсади белгиланади. Педагогик фаолиятда таълим мақсади тизимлаштирувчи вазифани бажаради. Айнан белгиланган мақсад таълим мазмуни, мақсади, ташкилий шакллари танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади [5]. Замонавий таълимнинг мақсади – мутахассис модели талабларига мос равишда шакллантирилган билим, кўникма ва малакалар тизимидан таркиб топиб, у тегишли таълим стандартларида ўз аксини топади. Бундан ташқари республикаміз Кадрлар тайёрлаш миллий модели талабларига кўра талаба шахси педагогик жараён объектигина бўлиб қолмасдан, унинг субъектига ҳам айланиб бормоқда. Бундай ҳолатларда талаба мустақил таълимнинг аҳамияти ортади ва қуйидаги кўникма ва малакаларни шакллантириш талаб этилади:

1. Мустақил таълим олишни режалаштириш кўникма ва малакалари: мустақил фаолият юритишнинг шахсий режасини тузиш; режа асосида мақсадли фаолият юритиш; ўз фаолиятини назорат қилиб, унга зарур тузатишлар киритиб бориш.

2. Интернет илмий ҳамда ўқув ахборотларидан фойдалана олиш кўникма ва малакалари: илмий ва ўқув ахборотларини мустақил аниқлаш; янги ахборотларни мустақил таҳлил қилиш ва баҳолаш олиш; ҳал этилиши лозим бўлган муаммо нуктаи назардан Интернетдан ахборот манбаларини қидириш ва топиш; олинаётган ахборотлар мазмунидаги янги ва истикболли янгиликларни кўра олиш.

3. Электрон ахборот-таълим ресурслари устида ишлаш кўникма ва малакалари: электрон қўлланмалар ва каталоглардан тизимли равишда фойдаланиш; Интернетдан олинган илмий, ўқув ва бошқа адабиётлар рўйхатини библиография қодалари асосида юрита олиш.

4. Замонавий ахборот технологиялари воситалари орқали тақдим этилган маърузаларни ўзлаштириш кўникма ва малакалари: маърузалар мавзуси ва режасини, адабиётлар рўйхатини белгилаб олиш; тақдим этилган ахборотларни тўғри қабул қилиш; асосий муаммо, ғоя ва ҳулосаларни ажрата олиш; асосий мазмунни ўз сўзлари билан қисқача ёзиб олиш; тақдим этилган ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш ва улар мазмунини таълимий мақсадларда қўллаб бориш.

5. Электрон дарслик билан ишлаш кўникма ва малакалари: электрон дарслик билан умумий ҳолатда танишиш, унинг муаллифи, мазмуни, ҳулосаси, иллюстрациялари ҳамда аннотацияларини билиш; электрон дарсликнинг мантикий тузилмасини ажратиб олиш; ўрганилаётган мавзунини тўлақонли тушуниб олиш учун қўшимча қўлланмалар: анимация, луғат, энциклопедия, маълумотномалардан фойдалана олиш; олинган маълумотларни тезислар, конспектлар кўринишида қайд этиб бориш.

Электрон ахборот-таълим муҳити куйидаги учта асосий вазифаларни бажаради:

➤ ташки муҳит субъектларига замонавий ахборот технологиялар ёрдамида таълим муассасасининг ахборот-таълим муҳити тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдамлашиш;

➤ таълим муассасаси ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини ошириш ва ўзаро ахборот-таълим ресурслари алмашиши муҳитини юзага келтириш;

➤ таълим муассасасида ахборот-таълим муҳити воситалари орқали самарали ахборот алмашинувини ташкил этиш ва бошқариш.

Таълим муассасасида ахборот-таълим муҳити мақсадини белгилаш учта жараённинг даврий кетма-кетлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади: биринчи даврда муҳитни таҳлил қилиш натижалари ўрганилади; иккинчи даврда – мос равишда амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб олинади; учинчи даврда бевосита таълим муассасасининг ахборот-таълим муҳити мақсади ишлаб чиқилади.

Олий педагогик таълим муассасасида электрон ахборот-таълим муҳитининг мақсади бўлажак ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади. Ўз навбатида бўлажак ўқитувчи шахсини

Адабиётлар

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимни ахборотлаштириш: назария ва амалиёт. Монография. – Тошкент: «Фан», 2011, 232-б.
2. Волкова Н.И., Мачушенко И.И. Роль электронных изданий в обучении. // Вестник МГПУ. Серия «Информатика и информатизация образования». -М.: МГПУ, 2003, №1. - С. 93-97.
3. Гендина Н.И. Информационная грамотность и информационная культура личности: международные и российские подходы к решению проблемы. // Открытое образование. -2007, № 5 (64). - С.58 -69.
4. Исянов Р.Г. ва бошқалар. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш технологиялари. Монография. –Т.: «Фан», 2011, 182- б.
5. Mamatov D.N. The features of electronic educational medium in training future teachers of vocational educational. The Advanced science. Open access journal. ISSN 2219-746X, volume 2012, issue 1, Torrance , CA, 90503,USA.

РЕЗЮМЕ

Мақолада электрон ахборот таълим муҳитида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш технологиялари таҳлил қилинган. Зеро, бўлажак касб таълими ўқитувчиси техника, технология бўйича назарий ва амалий билимларни эгаллаши ва улар билим олишнинг методларини, фаннинг тарихини, бўлажак кичик мутахассисларни ўргатиш учун ўзлаштирилаётган меҳнат фаолиятининг тегишли турлари бўйича амалий кўникма ва малакаларни мукаммал ўрганиши лозим.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются вопросы применения информационных технологий создающих новое качество образовательного процесса при меньших затратах сил и времени как преподавателей, так и учащихся в образовательном процессе. Обучение в педагогической системе общей подготовки будущих учителей занимает важное место и способствует тому, чтобы педагогическая деятельность была эффективной, действительно отвечала своим задачам и способствовала формированию определённых умений и навыков.

SUMMARY

The article is devoted to the analysis of the issues of using informational technologies creating a new quality of the educational process with less time-consuming and effort of both-teachers and students in the educational process. Education in pedagogical system of the general training of future teachers occupies the important place and creates efficient pedagogical activity really meeting the requirements and promoting to forming the certain skills and habits.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТАРМОҚЛИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ МУҲИТИНИНГ АСОСИЙ ТЕХНОЛОГИК КОМПОНЕНТИ СИФАТИДА

К.Каримов - катта илмий ходим

Т.Н.Қори Ниёзий номли ЎзПФИТИ

Таянч сўзлар: масофавий таълим, малака ошириш тизими, таълим тизими, тармоқли модел, имконият, дастурлаш, таҳлил.

Ключевые слова: дистанционное обучение, система повышения квалификации педагогов, система образования, преимущества, программирование, анализ.

Key words: distance education, system of professional development of teachers, education system, benefits, programming, analysis.

Малака оширишда тармоқли ўзаро ҳаракат педагогик муаммо сифатида масофавий таълимнинг моделини ривожланиши мумкин бўлган тармоқли ахборот-коммуникация муҳитини ўрганиш, ишлаб чиқиш ва яратишга йўналтиради. Педагог кадрларнинг масофавий таълим шаклида малакасини ошириш педагогнинг давлат аттестациясига эга бўлган малака ошириш таълим муассасасида малака ошириш дастурларини ўрта ва якуний аттестациядан ўтиш орқали мустақил ўзлаштиришини кўзда тутди.

Педагог кадрларнинг масофавий малакасини ошириш ахборот-коммуникация муҳити орқали амалга оширилса, куйидагиларга эришиш мумкин:

- малака ошириш тизимида педагогларни ташкил қилиш;
- педагогнинг касбий-шахсий ривожланиши дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш;
- малака оширишнинг турли интерфаол, шахсий-фаолиятли шаклларида фойдаланиш;
- малака ошириш курсларини интеграциялаш.

Масофавий таълимнинг тармоқли моделини ишлаб чиқишдан олдин ташкилий тур сифатида белгиланган, тенг ҳуқуқли ва мустақил иштирокчиларнинг эркин боғланган тармоқнинг тузилмаси бўлиб тавсифланадиган “тармоқли ташкилий шакл” тушунчаси моҳиятини очишимиз лозим.

шакллантиришда олий педагогик таълим муассасасини битиргандан кейинги меҳнат фаолияти давомида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириб боришига қаратилган сифатларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу ўринда, таъкидлаш жонзик республикамизда амалга оширилаётган таълим ислохотлари «касб» тушунчасига янгича талқинда қарашни талаб этмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий модели талабларига кўра замонавий касб эгаси тайёр касбий билимлар тўпламини эгаллаганлиги билан эмас, балки касбий жихатдан ривожланишга хизмат қилувчи қобилиятларга эгаллиги, ўз касбий даражасини таҳлил қила олиши, жамият ва ишлаб чиқаришнинг янгиланиб бораётган талабларига мос равишда янги билимларни ўзлаштиришга тайёрлиги билан тавсифланади. Санаб ўтилган сифатлар асосини бутун умр давомида янги билимларни эгаллаш орқали узлуксиз касбий тайёргарликни амалга оширишга қаратилган ривожланиш жараёни ташкил қилади.

Шундай қилиб, касбий таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш педагогик таълимнинг электрон ахборот-таълим муҳитини, интеграллашган ахборот-таълим ресурсларини яратишни таълим сифатини оширувчи технология сифатида тадқиқ этишни тақозо этади.

Шундай қилиб, тармоқ алоҳида иштирокчилар орасидаги фарқларнинг сақланишини (ва бу билан уларнинг ресурсларининг турли хиллигини) таъминлайди. Бунда бир варакайга улар томонидан жамоа кадриятлари тан олинади ва биргаликдаги фаолият жараёнига киришиш ва ресурсларни бирлаштириш йўли билан умумий мақсадларга интилиш юз беради.

Бундай шароитларда тармоқдаги ўзаро ҳаракат бошқа мазмун ва ташкилотчилик билан, бутун таълим инфраструктурасининг бошқача методик ва кадрлар таъминоти билан боғлиқ. Таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро ҳаракати анъанавий иерархик ташкил қилинган тизим эмас, балки горизонтал, ўз-ўзини ташкил қилувчи тармоқдир. Ундаги юқори турувчи алоқалар ва муносабатлар – субординацияли эмас, балки ахборотли ва кооперацияли, шериклик ва ҳамкорликдир.

Малака оширишнинг тармоқли дастурларидаги тармоқли ўзаро ҳаракат иштирокчилари бўлиб, ҳудудий келиб чиқиши ва касбий ихтисослашуvidан қатъий назар педагоглар ҳисобланади. Малака оширишдаги тармоқли ахборот-коммуникация муҳитида жамоавий мулоқот ва фаолият субъекти сифатида таълим муассасалари манфаатларини кўзлайдиган педагоглар гуруҳлари иштирок этишлари мумкин.